


Турсунов Х.Т

ЭКОЛОГИЯ ВА БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ

ЎҚИТУВЧИЛАР УЧУН УСЛУБИЙ
ҚЎЛЛАНМА



ТОШКЕНТ-2009

Х.Т. ТУРСУНОВ

**ЭКОЛОГИЯ ВА БАРҚАРОР
РИВОЖЛАНИШ**

ЎҚИТУВЧИЛАР УЧУН УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА

ТОШКЕНТ-2009

Услубий қўлланмада университетлар профессор-ўқитувчилари учун экология курсининг ўқув Дастури асосида маъруза, амалий машғулотларни ўтказиш бўйича ишланмалар берилган. Шунингдек, ундаги дарсларда фойдаланиш учун кўргазма материаллар, амалий машғулотларни ўтказиш учун топшириқлар, назорат саволлари ва тестлар ҳам ўрин олган.

Экология курсини ўқитишда барқарор ривожланиш таълими материалларини интеграциялашга эътибор берилган.

Услубий қўлланмадан узлуксиз экологик таълим тизимида фаолият олиб борётган барча педагоглар, мутахассислар ҳам фойдаланишлари мумкин.

Такризчилар:

ЎзМУ экология кафедраси
профессор в.б., б.ф.д.

Х.О.Олимжорова

ТДПУ агропедагогика, экология
ва уни ўқитиш методикаси
кафедраси доценти, б.ф.н.

Ў.Э. Хўжаназаров

Мазкур услубий қўлланма Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Илмий Кенгашининг 2008 йил “_29_” декабрдаги мажлисида №5 - сонли баённома билан нашрга тавсия этилган.

МУНДАРИЖА

Сўз боши.....	4
Кириш.....	5
Экология курсини ўқитишда янги педагогик технологиялардан фойдаланишнинг айрим масалалари.....	8
Экология курси мавзулари бўйича маъруза ва амалий машғулотларни ўтказиш бўйича ишланмалар.....	10
Барқарор ривожланиш таълими бўйича амалий материаллар.....	31
Экология курсини ўқитишда ролли ўйинлар.....	41
Экологик тақвим.....	44
Йил давомида нишонланадиган экологик саналар.....	45
Экология курсининг амалий машғулотларида бериладиган топшириқлар.....	46
Амалий машғулотларда ўқув фильмларидан фойдаланиш.....	48
Экология курсини ўқитишда барқарор ривожланиш бўйича қўшимча материаллардан фойдаланиш.....	50
Атмосферани муҳофаза қилиш.....	50
Ер ресурсларини режалаштириш ва бошқаришга комплекс ёндошиш.....	52
Ўрмонларнинг йўқ қилинишига қарши кураш олиб бориш.....	53
Таъсирчан экологик тизимларни бошқариш: чўлланиш ва қурғоқчиликка қарши кураш.....	54
Биологик хилма- хилликни сақлаб қолиш.....	56
Зарарли кимёвий моддалардан фойдаланишнинг ҳавфсизлигини ошириш.....	57
Ҳавфли чиқиндиларни йўқотиш.....	58
Қаттиқ чиқинди ва оқова сувларни йўқотиш.....	60
Экология дарсларида фойдаланиладиган амалий материаллар.....	69
Экология курси бўйича тестлардан намуналар.....	82
Экология курси бўйича назорат саволлари.....	86
1-илова Экология фанининг ўқув Дастури.....	93
2-илова Ўзбекистон Республикаси “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонуни.....	100
3-илова Олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари ўртасида ўтказилган анкета сўрови натижалари.....	120

СЎЗ БОШИ

Ўзбекистонда сўнгги йилларда экологик таълим масалаларига муносабат ижобий томонга ўзгармоқда. Ўрта, ўрта махсус ва олий таълимда экологик таълим-тарбия масалаларига эътибор кучаймоқда. Маълумки, узлуксиз таълим тизимида фақатгина олий ўқув юртларида экологик таълим мажбурий ҳисобланиди.

Инсон биринчи навбатда бошқа турлардан фарқли равишда, табиат билан муносабатини ўзи яратадиган маданияти орқали амалга оширади, яъни, инсоният ривожлана бориб, аجدодлардан авлодларга ўзининг иш ва маънавий тажрибасини бериб бориши туфайли Ерда маданий муҳитни яратади. Маънавий инкироз оқибатида ривожланган тамаддунларнинг ҳам парчаланиб, тушкунликка тушганлиги, айримларининг бутунлай йўқолиб кетганлигига тарихий далиллар мавжуддир. Агар инсонлар бир –бирлирига душманлик ҳисси билан яшайдиган бўлсалар “табиат ва жамият” тизимининг уйғун ривожланишига эришиб бўлмайди. Инсоният ва тирикликнинг сақланиб қолишининг экологик шартларидан энг асосийси- бу Ердаги тинч, осойишта ҳаётдир. Экологик саводхон киши айнан шундай ҳаётга интилиб яшаши лозимдир.

Экологик таълим ва тарбия- XXI аср шахсини шакллантириш жараёнининг ажралмас қисми ҳисобланади. Атроф-табiiй муҳитни ҳимоя қилиш ва тиклаш инсониятнинг сақланиб қолиши имкониятининг салмоқли мезонига айланиб бормоқда.

Экологик қонунларнинг бузилишини тўхтатишга фақатгина жамиятнинг ҳар бир аъзосини таълими сифатини ошириш, уларнинг экология асосларини ўрганиши орқали, экологик маданиятини керакли даражага кўтариш билангина эришиш мумкиндир.

Ўзбекистоннинг барқарор ривожланишини таъминлаш ҳозирда таълим олаётган ёшларга боғлиқ ва, баркамол, юксак маданиятли шахсни шакллантиришда экологик таълимни ривожлантиришнинг аҳамияти бекиёсдир.

Университетларнинг профессор-ўқитувчилари учун тайёрланганушбу кўргазма материалли услубий қўлланма таълим соҳасида амалга оширилаётган фаолиятга муносиб ҳисса қўшади деб умид қиламиз. Қўлланмани ёзишда фойдаланилган манбаларнинг муаллифларига миннатдорчилик изҳор қиламиз.

Кириш

*Биосферанинг инқирози асосан бакалавр, бизнес
бошқаруви магистрлари ҳамда фан доктори
унвонига эга инсонларнинг фаолияти маҳсулидир.*

Профессор Дэвид Орт

Ўзбекистонда истиқлол йиллари амалга ошаётган ислохотлар экологик муаммоларнинг ўта муҳимлигини англашга олиб келди ва ижтимоий онгни экологиялаштиришга хизмат қилмоқда.

Глобал экологик инқирознинг чуқурлашиши “инсон-табиат” тизимидаги ўзаро алоқадорлик характери ни ўзгартиришни ва бунинг учун табиатга ижобий муносабатда бўлган шахсни шакллантиришни талаб қилади.

XXI аср бошларига келиб ёшларнинг атроф-муҳит ва табиатдан фойдаланиш соҳасида маҳаллий, миллий ва халқаро микёсдаги муаммо ва масалаларни ҳал қила олишлари учун экологик таълимга янги талаблар қўйилмоқда. Давлат бошқарув тизими хизматчилари, корхоналар, хусусий фирмалар ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарлари аксарият олий маълумотли шахслар ҳисобланади ва жамиятни барқарор тараққиётга эришишини таъминлашда олий мактаб таълим тизими ҳал қилувчи рол ўйнайди. Ҳозирги кунда аксарият олий маълумотли мутахассисларда антропоцентрик ва техноцентрик қарашларнинг устунлиги қайд қилинади. Яқин келажакда бошқарув, илм-фан, маданият, таълим ва тадбиркорлик соҳаларида фаолият олиб борадиган олий ўқув юртлари талабаларида атроф-муҳит, табиатдан фойдаланишга тўғри муносабатни шакллантириш алоҳида алоҳида аҳамият касб этади.

Ўзбекистоннинг университетларида экология фани ўқитилаётганига 20 йилдан ошди. Ўтган вақт ичида соҳага оид бир қанча махсус дарслик ва ўқув қўлланмалар яратилди. Лекин шу вақтгача ўқитувчилар учун махсус услубий қўлланма яратилмади. Курснинг номлари ҳам фарқланиб кетди. Экология таълими бўйича мутахассислар, методистларнинг етишмаслиги курсни сифатли ўқитишга аҳамият бериш зарурлигини кўрсатди.

Маълумки, ҳозиргача мактабда ва ўрта махсус таълим тизимида экология таянч предмет бўлиб ҳисобланмайди. Фақатгина олий ўқув юртларида экологик таълим мажбурий ва Давлат таълим стандартларининг 2 блок предмети ҳисобланади. Курсга ажратилган соатлар ҳам турли мутахассисликларда турлича бўлиб, университетларда асосан 30-40 соатни ташкил қилади. Бунда маърузалар 12 соатдан 24 соатгача, амалиёт 20 соатгача, мустақил таълим ўртача 15 соатни ташкил қилади. Албатта, ёшларда экоцентрик дунёқарашни шакллантириш учун бу вақт миқдори етишмайди ва ушбу мавзуда ўтказилган социологик тадқиқот натижалари ҳам шуни кўрсатиб турибди(3-илова).

Анкета сўровида катнашганларнинг 30,2% курсни “Экология ва табиатни муҳофаза қилиш”, 23,8% “Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш” ва 22,2% “Экология” деб номлаш тарафдори эканликлари маълум бўлди.

“Экология фанини қайси курсда ўқитишни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблайсиз?”,- деган саволга респондентларнинг 31,7% 2-курса, 25,4% 3-курса, ва 23,8% 1-курса,- деб жавоб бердилар.

“Олий ўқув юртларда “Экология” курси неча соат бўлиши лозим деб ҳисоблайсиз?”,- деган саволга респондентларнинг 28,5% 50-60 соат, 22,2% 40-50 соат ва 20,6% 70 соатдан ошиқ,- деб жавоб берганлар.

“Талабаларга Экология курсини пухта ўзлаштиришлари учун биринчи навбатда нималар керак?,- деган саволга респондентларнинг 69,8% махсус ўқув китоби, 41,2% ўқув фильмлари,- деб жавоб бердилар.

“Экология курсининг мавжуд Дастурларига қайси муаммоларни қўшимча равишда киритиш ёки кенгайтириш лозим деб ҳисоблайсиз?”,- деган саволга респондентларнинг 19,04% экологик этика масалаларини, 47,6% санаб ўтилган барча масалаларни(барқарор ривожланиш, экологик сиёсат, экологик ҳавфсизлик) ўқитишни кучайтириш лозимлигини таъкидлаганлар.

“Экология курси Дастурида қайси бўлимларни чуқурроқ ўргатиш лозим?”,- деган саволга респондентларнинг 55,5% глобал экология, 50,8% амалий экология, 25,4% биоэкология ва 15,9% ижтимоий экология,- деб кўрсатганлар.

“Экология курсини пухта ўзлаштириш учун қайси дарс тури соатини ошириш лозим?”,- деб қўйилган саволга респондентларнинг 41,3% маъруза, 34,9% амалий машғулотлар ва 17,4% семинар,-деб белгилаганлар.

“Дарсларни асосан қандай тарзда ўтказишни маъқул деб ҳисоблайсиз?”,- деган саволга респондентларнинг 49,2% мунозара тарзда, 30,2% анъанавий усулда ва 6,3% махус ўйинлар ёрдамида,- деб жавоб берганлар.

“Экология курсини ўқитишда янги педагогик технологиялардан қайси бирларини кўпроқ қўллайсиз?”,-деган саволга респондентларнинг 69,8% “Ақлий ҳужум”, 65,0% муаммоли маъруза, 19,6% конференция,- деб кўрсатганлар.

Ҳозирда университетларда ўқитиладиган экология курсини ягона Дастур асосида ўқитиш мақсадга мувофиқдир. Турли факультетларда ўқитиладиган курс ягона номда, бир ўқув-методик комплекси асосида ўқитилиши лозимдир.

Экология курси бўйича дарсларни илмий-назарий асослаб, амалиёт билан боғлаб, миллий ва маҳаллий шароитларни ҳисобга олган ҳолда ўқишга эришиш, барқарор ривожланиш таълими унсурларидан фойдаланиш биринчи даражадаги вазифалар ҳисобланади. Экология курсини ўқитишни мутахассислик билан боғлаш иккинчи даражали вазифа ҳисобланади. Эколог-ўқитувчидан “Экологиянинг фалсафий муаммолари”, “Математик экология”, “Экологик журналистика” ва хоказо номдаги курсларни ўқишни талаб қилиш мантиққа тўғри келмайди. Экология курсини мутахассислик билан боғлаб ўқитиш профессор-ўқитувчининг салоҳияти, саъй-ҳаракатлари билан амалга оширилиши лозимдир. Бунинг учун табиий, гуманитар ва социал-иқтисодий

йўналишлар учун ўзига хос ўқув материаллари, амалий машғулотлар ишлаб чиқилиши лозим. Университетларда экологиядан дарс берадиган профессор-ўқитувчилар ўз олдиларига шундай вазифаларни қўйишлари мақсадга мувофиқдир. Ўқитиладиган экология курсини барқарор ривожланиш таълими билан узвий боғлаб, йўналиш эҳтиёжларни ҳисобга олган ҳолда таълим бериш профессор-ўқитувчилардан масъулият талаб қилади. Бунинг учун янги педагогик технологиялардан ижодий фойдаланиш, ўқитишнинг ахборий, техник имкониятларидан самарали фойдаланиш ижобий натижаларни беради. Лекин шунини таъкидлаш лозимки, замонавий педагогик технологиялар қўллаб дарс ўтилганда, талабалар сони 25 кишидан ошмаслиги мақсадга мувофиқдир.

Ҳозирда экологик таълимнинг амалиётга йўналтирилиши талабга тўла жавоб бермайди. Мавзуларни ўзлаштиришда масалаларнинг ҳуқуқий ва ташкилий жиҳатларига алоҳида эътибор бериш зарурдир. Айниқса асосий қонунларни ўрганишга алоҳида аҳамият бериш лозимдир(2-илова).

Экология курсини мутахассислик билан боғлаб ўқитиш талабаларда экологик муаммоларга қизиқиш уйғотади, уларнинг битирув иши, магистрлик диссертациясига экологик мавзуларини танлашлари кузатилади. Экология курсини ўқитишни амалиёт билан боғлашда кўриладиган ҳамма муаммоларни ўқитувчи ўз вилояти мисолида бериши зарурдир. Ўқитувчиларнинг вилоятдаги экологик вазият ва унинг аҳоли саломатлигига таъсири, асосий экологик муаммолар, вилоятдаги табиатни муҳофаза қилиш тизими бўйича ўз билимларини ошириб боришлари мақсадга мувофиқдир. Амалиёт дарсларида вилоятдаги экологик вазият, атмосфера ифлосланиши, сув, ер, ўсимлик ва ҳайвон ресурсларидан фойдаланиш борасидаги муаммолар бўйича топшириқлар бериш лозим.

Шунини таъкидлаш зарурки, профессор-ўқитувчиларнинг замонавий педагогик технологиялар бўйича билим ва кўникмалари ҳозирда талаб даражасида эмас. Бу масалани ҳал қилиш эволюцион жараён бўлиши керак. Олий мактаб учун замонавий педагогик технологиялар бўйича зарур методик асос қарор топмагунича, муваффақиятга эришиш қийин. Методика соҳаси мисоли океан, унда эркин сузиш учун машаққатли тайёргарлик босқичларидан ўтиш керак ва шундагина дарс- ўқитувчи учун ҳам, талаба учун ҳам ижодий жараёнга айланиши мумкин.

Ушбу услубий қўлланма муаллифнинг шакллантираётган ўқув-методик комплекси(“Экология” ўқув қўлланмаси,, Т., 2006., ҳаммуалиф)нинг узвий қисмлари ҳисобланади. Университетларда экология курсини ўқитадиган профессор-ўқитувчилар учун ўқув Дастурга мос равишда, дастлабки ёрдам тариқасида, маъруза, ўқув-кўргазма материаллари, айрим дастлабки методик ишланмаларни эътиборингизга ҳавола қиламиз. Барқарор ривожланиш таълими бўйича, маъруза ва амалиёт дарсларида ҳаётий масалаларга кўпроқ мурожаат этишга ҳаракат қилинди.

Қўлланманинг сифати бўйича фикр ва мулоҳазаларингизни муаллиф миннатдорлик билан қабул қилади.

Экология курсини ўқитишда янги педагогик технологиялардан фойдаланишнинг айрим масалалари

Ҳозирги вақтда анъанавий таълим жараёнининг таркиби ва мазмуни жиддий ўзгаришларга учрамоқда. Глобал интернет тармоғи ва аҳолини ёппасига компьютерлаштириш, телевидение ва ахборот технологиялари талабалар янги авлоди менталитетини тубдан ўзгартириб юборди. Компьютер билан ишлаш янги авлодга ахборотни монитор экранидан санокли сонияларда яхлит қабул қила олиш имкониятини берди. Лекин, шунинг билан бирга талабаларда тизимли фикрлаш ва оғзаки нутқ кўникмалари сусайиб кетди. Айрим тадқиқотчиларнинг фикрларига кўра ҳозирги талабаларнинг билим даражаси 15-20 йил илгаригидан паст. Уларда мантикий фикрлаш сустривожланган, таҳлил қилиш, сабаб-оқибат алоқаларини кўра билмаслик ва уларни нутқ ёрдамида эркин баён қила олмаслик кузатилади. Гуруҳда мунозара санъати ва она тилини етарлича даражада билиш етишмайди. Талаба ҳозирда Интернетда ўзини эркин ҳис қилади, аммо минбарга чиқиб гапиришдан, очиқ баҳс юритиш ва фикрларини баён қилишдан тортинади.

Европанинг янги таълим мезонлари бўйича олий ўқув юртларида оғзакидан ёзма имтиҳонларга ўтиш айрим салбий тенденцияларни кучайтирди. Фақатгина талабаларни фаол ўқитиш услублари, шу жумладан махсус ва ролли ўйинлар, семинар-тренингларни дарс жараёнига татбиқ қилиш ижобий натижалар бериши мумкин. Анъанавий таълим янгисидан бутунлай устун деб бўлмайди. Кўп йиллардан бери фаол дарс услубларидан фойдаланиб келаётган педагоглар бор. Ҳозирда дарс жараёнида талабалар фаоллигини янада

оширишга эришиш лозим. Бу қўшимча ўз устида ишлаш, ўзига мос келадиган янги педагогик технологиялар, интерфаол усулларни ўзлаштиришни талаб қилади.

1- Расм. Ўқитиш усулларининг самарадорлиги пирамидаси

Олий мактабда таълим ҳозирги кунда асосан ўқитишнинг пасив усуллари асосида олиб борилади. Олий таълим соҳасида фаол ўқитиш усулларини ривожлантириш давр талаби ҳисобланади.



Экология курсидан сабоқ берадиган ҳар бир малакали профессор-ўқитувчининг бу вазифани ҳал қилишга кўмак берувчи ўқув-методик

комплексида махсус қўлланмалар, машқ тўпламлари, тестлар, электрон материаллар бўлиши лозимдир. Ҳозирда илғор педагоглар электрон почта, интернет тармоғи орқали масофавий таълимни амалга оширмоқдалар. Он-лайн коммуникацияси ҳозирда ўқув методик комплексининг ажралмас қисмига айланиб қолди.

Ўқув-методик комплексининг таркибий қисмлари ҳажман ихчам бўлиши лозим. Қисқа ўқув қўлланмасидан талабалар материалнинг асосий мазмунини олишлари керак. Ҳозирга келиб профессор-ўқитувчилар маърузаси ҳам қисқарди ва мустақил таълимга кўпроқ ўрин берилмоқда. Янги ўқитиш тизимида маърузага 20-25% вақт ажратилади, қолгани амалиёт, ёзма иш, мустақил ишга берилади. Мустақил иш биринчи навбатда тафаккур, мантиқ, турли таҳлилий ёзма ишлар тайёрлашдан иборат бўлади.

Янги педагогик технологияларни ўқув жараёнига татбиқ этиш босқичма-босқич амалга оширилиши лозим. Ушбу қўлланмада ўқув жараёнини фаоллаштиришга хизмат қиладиган материаллар, топшириқлар, тестлар, саволлар, фойдаланиладиган сайтлар, ўқув фильмларига кенг ўрин берилган. Қўлланма экология курсининг Дастури(1-илова) асосида ёзилган. Барқарор ривожланиш таълими масалаларига, амалиёт билан боғлиқ материалларга алоҳида ўрин берилган. Университетларда экология курсини ўқитиш учун ҳозирда етарлича адабиётлар(Дастурда келтирилган) мавжуд. Шунинг учун биз ишланмаларни алоҳида мавзулар бўйича кенгроқ, қолганларини қисқача бердик. Университет талабалари учун экология курсида мустақил таълимни амалга оширишда асосан, ўқув қўлланма, тавсия қилинган адабиётлардан фойдаланилса бўлади. Ўқув қўлланмасидаги топшириқларни тўла бажариш қўшимча манбаларга мурожаат қилишни талаб қиладди.

Муаммоли ўқитиш экологик таълимда алоҳида аҳамиятга эга. Лекин уни амалга ошириш учун профессор-ўқитувчида ҳам, талабаларда ҳам зарур кўникмалар бўлиши зарур. Маълум муаммони ҳал қилишда қуйидаги босқичларни ажратиш мумкин:

- муаммони англаш, қарама-қаршиликлар моҳиятини тушуниш;
- берилган шартлар асосида илмий фараз-гипотезани таърифлаш;
- гипотезани исботлаш;
- умумий хулоса.

Муаммоли маърузани талабалар учун ҳам кўп жиҳатдан асосланган, яхши ўрганилган масалалар билан боғлиқ мавзулардан танлаш мақсадга мувофиқ бўлади.



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi <https://kitobxon.com/uz/asar/3426> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси <https://kitobxon.com/uz/asar/3426> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию можно найти на сайте
<https://kitobxon.com/ru/asar/3426>